

Эшмуродов Шухрат

Ўзига ишонган инсон бўлиш сирлари

**Қандай ўйласангиз
шундай бўласиз**
-Брюс Ли



***As you think so
shall you become***
-Bruce Lee

Ўзингга мароқ билан ёрдам бер!

Ўзига ишонган инсон бўлиш сирлари

Муқаддима	3
Ишончсизликнинг табиати	6
Ўзига бўлган ишончни машқ қилдириш	11
Шуурий онгни қайта дастурлаш	15
Тимсолни алмаштириш (трансформация қилиш)	
усули	20
Аудиотренинг	28
Шичко усули	36
Жасоратга оид тарихий воқеалар	40
Асосий қўрқувлардан озод бўлиш учун қўшимча машқлар	45
Самурайлар ўзидаги ўлим қўрқувини қандай енгишган	45
Хулоса	50

Муқаддима

Ҳозирги кунда инсоннинг турли қобилиятларини, ички имкониятларини очиш учун ўта самарали ва ишончли таъсир кўрсатувчи психологик усуллар ишлаб чиқилган. Бу усуллар ҳақида кўп айтилсада, китоблар ёзилган бўлсада аммо уларни аниқ бир ҳолат учун қўллаш кўрсатиб ўтилмайди. Балки умумий тавсиялар берилган бўлади. Амалий қўллаш эса ўқувчининг ўзига қолдирилади ёки фақат пуллик тренингларда, машғулотларда ўргатилади.

Ушбу амалий қўлланмани ёзишдан кўзланган асосий мақсад ҳозирда жуда самарали деб тан олинган усуллар ҳақида маълумот бериш. Ва энг асосийси бу усулларни инсонларда аниқ бир қобилиятни, яъни ўзига бўлган ишончни шакллантиришда қандай қўллаш мумкинлигини кўрсатиб беришдир.

Бу ерда келтирилган усулларни ўрганишда камина ходимингиз энг сара тренингларда иштирок этган. Бу тренингларнинг баҳоси гоҳида ойига 300

АҚШ долларига етарди. Баён этилган усулларнинг самарадорлиги минглаб инсонларда синалган ва ўз тасдиғини топган. Шунинг учун китобда келтирилган машқларни, вазифаларни жиддий киришган ҳолда бажаришни тавсия қилган бўлардим.

Ҳозирда кўпчилик инсонлар ўз устида ишлашга, ўзида турли ижобий сифатларни шакллантиришга жуда эътибор беришмоқда. Бу китобни ўқиш давомида ўз характерингизни ва натижада ўз тақдирингизни ўзгартиришнинг энг самарали усуллари билан танишасиз.

Ушбу амалий қўлланмада кўпчилик учун энг муҳим бўлган сифатлардан бири, яъни ўзига бўлган мустаҳкам ишончни шакллантиришнинг, машқ қилдиришнинг самарали усуллари кўрсатиб берилган.

Ҳамма ҳам ўзига ишонган бўлишни хоҳлайди. Лекин бу сифатни қандай қилиб ўзида мужассам қилишни билишмайди. Нимагадир бу сифат фақат туғма қобилиятдек қарашади, ёки бу сифатни истаган одам ўзида машқ қилдириб кучайтириши,

шакллантириши мумкинлигини билишмайди. Ўзига бўлган ишонч инсондаги кўпгина бошқа сифатлар каби онгимиздаги бир дастур холос. Бу дастурни худди компьютердаги каби ўчириб ташлаш ёки қайта ёзиш мумкин. Бунини қандай бажаришни эса кейинги саҳифалардан билиб оласиз.

Аммо шуни таъкидлаш керакки бирор соҳадаги энг зўр илмни эгаллаш билан иш якун топмайди. Бу билимлар сизга фойда бериши учун уларни амалда қўллаш керак. Акс ҳолда икки оёқли энциклопедия бўлиб юраверасиз.

Муқаддимадан олинadиган фойдалар:

Китобда келтирилган билимларни ўргангандан сўнг дарҳол қўллаш керак, акс ҳолда икки оёқли энциклопедия бўлиб юраверасиз.

Ишончсизликнинг табиати

Ўзига бўлган ишончсизлик қаердан пайдо бўлади? Бирор бир сифатни шакллантиришдан олдин унинг ҳосил бўлиш сабабларини ўрганиш керак. шунда мақсадга эришиш осон бўлади. Келинг инсонларнинг ўзига бўлган ишончи ёки ишончсизлиги қандай пайдо бўлишини, унинг сабабларини ва таркибини ўрганамиз.

Хўш ўзига ишонч нима? Ўзига ишонч бу ота – она (ўзлари билмаган ҳолда), жамият, устозлар, дин, атроф – муҳит томонидан шуурий онгимизга ёзилган дастурдир. Фақат бир дастур холос.

Ўзига ишонган инсон бўлиш учун ёшлигимизда шуурий онгимизга ёзилган кераксиз дастурни (ўзига ишончсизлик дастурини) ўчириб ташлаб унинг ўрнига янгисини ёзиш керак. Агар Ўзбекистонда туғилган ёш болани 2-3 ёшида Японияга олиб кетиб тарбия қилинса, автоматик равишда бу бола япон тилида гаплашадиган бўларди. Яъни унга япон тилида гапириш дастури ота-она, жамият томонидан киритилган бўларди. Худди шунингдек агар

Францияга олиб кетилган бўлса француз тилида, Хитойга олиб кетилган бўлса хитой тилида гапирадиган бўлиб вояга етган бўларди.

Буларнинг ҳаммаси дастур эканлигини яққол намоён этиш учун қуйидаги мисолга назар солинг. Сиз “Маугли” мультфильмини яхши эсласангиз керак. Ҳиндистон тарихида ёш чақалоқни бўрилар галаси катта қилган ҳолат 60 мартадан кўпроқ қайд қилинган. Жунгли ўрмонларида адашиб қолган гўдаклар бўрилар орасига келиб қолган, ва унга ёшлигидан бўриларга хос дастурлар ёзилган. Натижада бу гўдаклар катта бўлганда ҳам инсон тилида гапира олмаган. Уларнинг танаси инсонники бўлсада уларда бўриларга хос дастур ўрнатилган бўлган. Натижада улар тўрт оёқда югуришган, ойга қараб увиллашган ва умуман ўзларини худди бўрилардек тутишган.

Сиз ўзига ишонган инсонмисиз ёки ишончи паст инсонмисиз бу сизнинг шуурий онгингизга ёзилган дастурга боғлиқ. Қачонлардир ота-онангиз, жамият сизни ўзини тутишнинг маълум бир моделига мос

қилиб дастурлашган, ўргатишган.

Энди яна бир мисолни тингланг. Маълумки бизда бирор инсон вафот этганда унинг яқинлари чуқур қайғуга ботишади, йиғлашади. Ҳамма яқинлар маъюс ҳолда уни сўнгги манзилга кузатишади. Лекин Малайзиядаги баъзи ҳудудларда бирор киши вафот этса унинг тобутини жуда чиройли қилиб безатишади. Тобут ҳам гоҳ самолёт кўринишида, гоҳ автобус шаклида гоҳ яна алламбало нарсалар шаклида бўлади. Ҳамма яқинлар кулган, хурсанд ҳолда зиг-заг шаклида ҳаракатланиб уни сўнгги манзилга кузатишади. Бу халқлар бундай пайтда йиғлаш мумкин эмаслигига, акс ҳолда ёвуз руҳлар ва ёмон энергия марҳум билан у дунёга ўтиб кетишига чин дилдан ишонишади.

Энди тасаввур қилинг, бизни ҳам 3-5 ёшлигимизда Балига олиб кетишганда ва биз у ернинг муҳотида катта бўлсак. Биз ҳам яқинларимиз вафотини кулгу билан, хурсандчилик билан нишонлаб уларни сўнгги манзилга кузатган бўлардик. Хўш бу нима? Бу ўзни тутиш модели, бу

жамият томонидан киритилган дастур.

Юқоридаги мисоллар билан шуни айтмоқчимизки, азиз ўқувчи, сиз ҳам жасур, кўркмас, ўзига ишонган инсонсиз. Фақат қачонлардир сизга ўз кучига бўлган ишончсизлик, қуллик дастурларини киритишган холос.

Ҳар бир инсонда кучли руҳият, жасорат ва ўз кучига ишонч яшайди. Фақат шу кунгача сиз ўз кучингизга бўлган ишончни машқ қилдирмагансиз, бунинг учун қандай машқларни бажаришни билмагансиз. Қандай қилиб ўз кучига ишонган, кўркмас, жасур инсон бўлиш мумкин, агар сиз бу ишлар билан машғул бўлмаган, бу сифатларни машқ қилдирмаган бўлсангиз. Ахир сузмай туриб сузишни ўрганиб бўлмайдику. Ўқишни ўрганмай туриб китоб ўқий олмайсизку.

Ушбу бўлимдан олинадиган фойдалар:

Сиздаги ўзига бўлган ишончсизлик ота-она, жамият, атроф муҳит томонидан ёшлигингизда шуурий онгингизга киритилган бир дастур холос.

бу дастурни янгисига – ўзига бўлган ишончга алмаштириш мумкин ва шартдир. Буни қандай қилишни кейинги саҳифалардан билиб оласиз.

Ўзига бўлган ишончни машқ қилдириш

Ҳаммага маълумки ўзига ишонган инсон ўзига ишонмаган инсонга нисбатан жуда катта имкониятларга эга. Бу ўзига бўлган ишончни машқ қилдирган, тайёргарлик кўрган инсон машқ қилмаган инсонга қараганда жуда катта устунликка эга деганидир.

Нега инсонларнинг ўзига бўлган ишончи паст? Чунки улар машқ қилмаган. Уларга ҳеч ким ўзига бўлган ишончни қандай машқ қилдиришни ўргатмаган. Уларнинг шуурий онгида ўзига бўлган ишончсизлик, ожизлик, қуллик каби кераксиз дастурлар ўрнашиб олган. Ўзига ишонган инсон бўлиш учун ўзни қайта дастурлаш керак бўлади. Бунинг учун энг аввало ўзингизнинг ишончсизлигингизга, ожизлигингизга эътибор қаратишдан тўхтанг. Ўз қалбингизнинг, характерингизнинг салбий жиҳатларига қанча кўп эътибор берсангиз, улар шунчалик сезиларли бўлиб боради ва сиз уларга шунчалик кўп куч сарфлашингизга тўғри келади.

Бу борада энг тўғри йўл – ўзингиздаги ишончсизликка, қўрқоқликка, ожизликка ва қўрқувга эътибор бермаслик керак. Бутун эътиборингизни ўзингизга бўлган ишончни, устунлигингизни машқ қилдиришга, ўзингизнинг кучли қобилиятларингизни янада ривожлантиришга, машқ қилдиришга қаратинг.

Инсон миясининг жуда ажойиб хусусияти бор. Бизнинг миямиз бир вақтнинг ўзида фақат биргина ўйни хаёлимизда ушлаб тура олади. Яъни бир вақтнинг ўзида ҳам яхши ҳам ёмон нарсалар ҳақида ўйлай олмаймиз. Миянинг бу хусусиятини яхши тушиниб олиб ундан унумли фойдаланиш керак. Акс ҳолда у бизнинг зараримизга ишлайди. Бу ҳолатни ушбу мисол билан тушинтиришга ҳаракат қиламан. Дейлик сиз ўзингиздаги ожизликни йўқотмоқчисиз. Кўпчилик бундай вазиятда: ўз ожизлигимни қандай йўқотсам бўлади? Ожизликни енгишнинг қандай чоралари мавжуд? Ожизликка қарши қандай самарали усуллар мавжуд? Деган саволларни ўз олдига қўяди ва ўз ожизлиги билан кураша бошлайди. Натижада унга бу курашда мағлубият

кафолатланган бўлади. Нэга? Бу жуда оддий. Тасаввур қилинг ожизлигингиз ҳақида ўйлаганда ўзингизни ожиз сезасизми ёки кучли? Албатта ожиз сезасиз. Чунки ожизлигингиз ҳақида ўйлаганда миянгиз унга мос ҳис туйғуларни хотирадан олиб чиқади ва сиз кучингиз сезиларли равишда пасайиб кетганлигини ҳис этасиз, сезасиз. Бу ҳақда қанча кўп ўйласангиз шунча кўп куч, энергия йўқотасиз. Ахир сиз лимонни чайнаётганимни ўйлаганда сўлак ажралмаслигига эришишим керак деб мақсад қўймайсизку. Чунки бу ҳақда ўйлашнинг ўзиёқ сўлак ажралишига сабаб бўлаверади. Унинг ўрнига: қандай қилиб янада кучли бўлиш мумкин? Менинг кучли жиҳатларим нимада ва уларни қандай қилиб янада ривожлантиришим мумкин? Бунинг қандай самарали йўллар мавжуд? Деган саволларни берсангиз тўғри йўналишга тушиб оласиз. Бу тавсияларни самарали бажаришда кейинги бўлимларда келадиган “тимсолларни алмаштириш (трансформация қилиш)” усули жуда қўл келади. Унинг ёрдамида сиз ҳар доим ўз куч ва қувватингизни фақат керакли жиҳатларни

ривожлантиришга қарата оладиган бўласиз.

Ушбу бўлимдан олинадиган фойдалар:

Инсоннинг ўзига бўлган ишончини машқ қилдириб янада кучайтириш мумкин. Бунда асосий эътиборни ўзингиздаги ишончсизликни енгишга эмас балки ўзингизга бўлган ишончни кучайтиришга қаратиш лозим. Бу икки хил ёндошувнинг натижаси ҳам икки хил бўлади.

Шуурий онгни қайта дастурлаш

Бизнинг ҳар бир ҳаракатимизни шуурий онгимиздаги дастурлар белгилаб беради. Агар шуурий онгимизда ўзига бўлган ишончсизлик дастури ёзилган бўлса, биз уни янгисига алмаштиришимиз керак. Қайта дастурлаш эса сўзлар ва тимсоллар ёрдамида амалга оширилади.

Биз шуурий онг деб таржима қилганимиз рус тилида “подсознание” дейилади. Бу сўзни ўзбек тилига таржима қилишда “онг ости”, “ғайриихтиёрий онг”, “ботиний онг”, “шуурий онг” каби турли кўринишларидан фойдаланилади. Бу китобда “шуурий онг” жумласи олинди.

Ҳамма ҳам шуурий онг ҳақида маълумотга эга эмас. Шунинг учун бир оз тушунча бериб ўтмоқчиман. Инсонда шуурий онг ва онг мавжуд. Шуурий онг ва онг нима эканлигини яхши тушуниб олишда бизга уйқу ёрдам беради. Сиз уйқудалик вақтингизда сизнинг онгингиз бўлган қисмингиз ўчган бўлади. Сиз энди ота ҳам, она ҳам, бола ҳам, талаба ҳам, бошлиқ ҳам, бува ҳам эмассиз. Уйқуда

сиз худдики кичик ўлимни бошдан кечираётган бўласиз. Қаттиқ уйқуда сизнинг “Мен”ингиз мавжуд бўлмайди. Шуурий онгингиз эса мавжуд бўлишда давом этаётган бўлади. Шуурий онгингиз сиздаги 600 триллиондан иборат тўқималарингизни, иммун, эндокринолог, юрак қон-томир тизимларингизни ва бутун организмнингизни бошқараётган бўлади. Бу китобдан асосий мақсад сизга ўз шуурий онгингизни бошқаришни ўргатишдир. Ишонинг, бу унчалик қийин иш эмас.

Сизга шуурий онгингиз олдида онгингиз арзимас даражада кичик эканлигини аниқ тушунтириб бераман. Бизнинг она еримизни ва кичик нўхат донини тасаввур қилинг. Солиштирганда бу нўхат дони мисоли сизнинг онгингиз, сизнинг “Мен”ингиз, унга нисбатан ниҳоятда йирик бўлган она еримиз эса шуурий онгимиздир.

Буни яхши тушунмаган кўпчилик бутун эътиборини кичик нўхатдек келадиган онгига қаратади, гўёки бу билан нўхат донаси орқали бутун ерни бошқараман деб ўйлайди ва қаттиқ адашади.

Натижада шуурий онгининг жуда катта имкониятларига эътибор беришмайди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Тасаввур қилинг ҳайдовчисиз катта тезликда кетаётган юк машинасини. У билан албатта фалокат юз беради. Катта кучни назоратсиз қолдириб бўлмайди. Ўз катта кучини қандай бошқаришни билмаган кўпчиликнинг англанилмаган ҳаёти албатта фалокат билан якун топади. Шуурий онгни бошқаришнинг энг самарали усули уни керакли эҳтиёж учун дастурлашдир.

Шуурий онгни қайта дастурлаш деганда ундаги ўзига бўлган ишончсизлик, кўрқоқлик, ожизлик ва инсондаги бошқа салбий жиҳатларни намоён қилувчи зарарли дастурларни ўчириб ташлаб уларнинг ўрнига жасорат, мардлик, ўзига бўлган мустаҳкам ишонч ва бошқа кўплаб янги ижобий дастурларни ёзиш тушунилади.

Кўпчиликда “шуурий онгни дастурлаш” деган жумла хавотир уйғотиши мумкин. Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Шу пайтгача сизни ўзингиздан сўрамасдан ота-онангиз, жамият, атрофингиздаги

муҳит зарарли сифатларга дастурлаб келишган. Агар дастурлашни ўз зиммангизга олиб янги, фойдали сифатлар билан шуурий онгингизни дастурламас экансиз унда бу ишни сизнинг ўрнингизга бошқалар (яқинларингиз, жамият, оммавий ахборот воситалари, атрофингиздаги муҳит) қилишади. Бунда уларга сизнинг нима исташингизнинг умуман аҳамияти йўқ.

Шуурий онгингизни ўзингизга бўлган мустаҳкам ишончга дастурлашни қуйидаги ўта самарали усуллар билан амалга ошириш мумкин:

- образларни алмаштириш (трансформатсия қилиш) усули;
- аудиотренинг;
- Шичко усули;
- оммавий жасоратга оид тарихий воқеалар ҳақида ўқиш, фильмлар кўриш;

бу усуллар шуурий онгни дастурлашда жуда самарали эканлиги минглаб одамларда ўз тасдиғини топган. Бу усуллар ёрдами минг-минглаб одамлар ўзларидаги зарарли одатларни йўқотиб, бутунлай янги ҳаётга эришишган, соғлом, бахтли, омадли,

мувоффақиятли ва бой инсонларга айланишган.

Энди навбат сизга! Сиз ҳам бу усуллар ёрдамида ўзингиздаги янги қирраларингизни кашф қилинг, ўзингизда шу вақтгача ҳавас қилиб келган сифатларни шакллантиринг, тарбияланг. Ўзингиз учун соғлом, бой, омадли ҳаёт тарзини яратинг.

Ушбу бўлимдан олинадиган фойдалар:

- бизнинг ҳаётимизни шуурий онгимизга ёзилган дастурлар бошқаради. Айнан бу дастур бизнинг нечоғлиқ муваффақиятли эканлигимизни белгилаб беради;

- бу дастурлар орасидаги ўзига бўлган ишончсизлик, қўрқув, ожизлик каби зарарлиларини янгиси ва фойдалисига алмаштириш мумкин ва лозимдир;

- шуурий онгни дастурлашнинг ўта самарали усуллар мавжуд бўлиб уларни қандай қўллаш кейинги саҳифаларда келтирилган;

Тимсолларни алмаштириш (трансформация қилиш) усули

Ҳаётимиздаги ҳар қандай ҳолат бизнинг шуурий онгимизда бирор тимсол, тасвир кўринишида ўз изини қолдиради. Бу эса ҳаётимизга барбод этувчи ёки бунёд этувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Агар бирор ҳолатга боғлиқ тасвир сизда ёқимсиз ҳисларни чақирса, уни ўзгартириш керак бўлади. Бунинг учун эса содда ва ўта самарали усул мавжуд. Бу усул “тимсолни алмаштириш” деб номланади. Бу ҳақда НЛД (Нэйро Лингвистик Дастурлаш) га доир адабиётларда батафсил ёзилган. Қуйида бу усулни бизнинг ҳолат учун, яъни ўзингизга бўлган ишончни оширишда қандай қўллашни кўрсатиб ўтамиз.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек бу ўта самарали усулдир. Бу сизнинг фикрлаш тарзингизни ўзгартиришга ёрдам беради.

Ҳар сафар ўзингизга бўлган ишончининг пастлиги ҳақида ўйлаганда кайфиятингиз тушиб кетади ва сиз сунъий равишда ўзингизни кучсизлантирасиз. Бу ҳолат сиздаги катта миқдордаги энергиянинг бекордан-бекорга

сарфланишига сабаб бўлади. Юқорида айтиб ўтганимиздек бизнинг мия бир вақтнинг ўзида фақат битта ўй билан банд бўла олади. Унинг бу хусусиятидан самарали фойдаланиш мумкин. Тимсолларни алмаштириш усули ёрдамида миямизнинг ушбу хусусиятидан унумли фойдаланишни ўрганиб оламиз.

Тимсолларни алмаштириш усулни қўллаш натижасида ўз қувватингизни ўзингизга бўлган ишончни янада оширишга, янада кучайтиришга ишлата бошлайсиз. Бунинг оқибатида ўзига бўлган ишончи юқори инсонга айлана борасиз. Шунинг учун бу усулни диққат билан ўзлаштириб олинг ва қўлланг.

Тимсолларни алмаштириш усули бир неча қадамдан иборат.

1-қадам. Ишга тушурувчи тимсолни аниқлаш.

Дастлаб ишга тушурувчи тимсолни аниқланг. Бу нима дегани? Бу ишонсизлигингиз ҳақида ўйлаганда ўй-хаёлларингизда пайдо бўладиган ёқимсиз манзара, тасвир. Бу тасвир нималардан

иборат эканлигини ўзингиз учун аниқлаб олинг. Бу шундай тасвири, ўзингизга бўлган ишончсизлигингиз ҳақида ўйлаган заҳоти хаёлингизда энг биринчи бўлиб пайдо бўлади.

Ишга туширувчи, яъни сизда ўзига бўлган ишончсизлик кайфиятини уйғотувчи тасвири аниқлайсиз. Сўнгра бу тасвири хаёлан кичрайтириб ва хиралаштириб боринг, токи йўқ бўлиб кетсин.

2-қадам. Ўзингиз хоҳлаётган, интилаётган тасвири яратиш.

Тасаввурингизда келажакдаги тимсолингизни яратинг. Унда сиз ўзига бўлган ишончи юқори инсонга айланиб улгургансиз.

Бунда сиз ўзингиз ҳавас қилган инсондаги каби, ёки ундан ҳам зўр сифатлар билан сифатланган ҳолда турибсиз. Ҳар бир ҳаракатингизда ўзингизга бўлган ишонч уфуриб, барқ уриб турибди.

Ўйлаб кўринг ва тасаввур қилинг бу ҳолатда сиз ўзингизни қандай тутаётган бўлардингиз. Бу тимсолингизга эътибор билан қаранг. Юзингиз, кўз қарашларингиз, мимикангиз қандай кўринишда? бу

тимсолда сиз қандай нафас оляпсиз? Қандай янги ҳис-туйғуларни бошдан кечираётган бўлардингиз, ўзингизга нималарни гапираётган бўлардингиз. атрофдаги инсонлар сизга қандай муносабатда бўлишмоқда?

Бу тимсолни янада ёрқинроқ, янада жозибали, ўзига тортувчи қилинг. Ўзингизга ўзингиз: ҳа, мана шундай бўлишимни истайман! дея оладиган даражада жозибали, ёқимли бўлсин.

Бу тимсолни, бу тасвирни ўзингизга ҳақиқатдан ҳам ёқадиган бўлгунча, сизни ўзига жуда кучли жалб қиладиган бўлгунча ростланг, ўзгартиринг. Сўнг бу тасвирни янада ёрқинлаштиринг.

Бу тимсол, бу тасвир сиз ҳаракат қиладиган асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади.

3- қадам. Тимсолларни (тасвир) алмаштириш (трансформация қилиш).

Келинг энди ишончсизлик кайфиятини уйғотаётган тасвирни янгисига, ёқимлисига, ўзига бўлган ишонч туйғуларини чақирувши тасвирга, тимсолга алмаштирамиз.



Кўзларингизни юминг ва қаршингизда оппоқ экранни тасаввур қилинг. Пастки чап (ёки ўнг) бурчакка янги тасвирни жойлаштиринг. Уни кичкина ва қорамтир қилинг. Тасаввурингиздаги экраннинг қолган қисмини сизда ўзингизга бўлган ишончсизлик кайфиятини уйғотувчи тасвир эгаллайди. Биз уни шартли равишда “ишга туширувчи тимсол” деб номлаган эдик.



Энди буйруқ берилиши билан дарҳол янги тасвирнинг ўлчами ва ёрқинлигини оширинг, токи “ишга туширувчи тимсол”ни бутунлай қоплаб олсин. Эски тасвир, яъни “ишга туширувчи тимсол” эса хиралшиб йўқ бўлиб кетсин.

Буни сиз тез бажаринг, 1-3 секунд ичида.

Тасвирлар алмашиб, янги тасвир катта, тиниқ ва ёрқин бўлган заҳоти кўзларингизни очинг ва ўзингизни бошқа нарсага чалғитинг. Назарингизни бир буюмдан бошқасига олиб ўтинг.



Сўнг яна кўзларингизни юминг ва ички ҳолатингизга қайтинг ва ҳамма амални яна такроран бажаринг.

Яна кўзларингизни очиб эътиборингизни бошқа нарсага чалғитинг.

Худди шундай равишда 5 – 7 маротаба такрорланг.

Бунда автоматик, яъни ўз-ўзидан бажариладиган даражага эришиш лозим. Ўзингизга бўлган ишончсизлик ҳақидаги ўй-фикрларингизнинг ўзи дарҳол сизнинг янги тимсолингизни, ўзига ишончи юқори бўлган тимсолингизни ва унга мос ҳисларни чақирсин.

4 – қадам. Текшириш

Энди ўша “ишга тушириш тимсолини” эсланг. уни ушлаб туришга ҳаракат қилинг.

Нима содир бўляпти?

Агар ҳаммаси тўғри бажарилган бўлса, эски тасвир йўқ бўлиб кетади ва унинг ўрнига автоматик равишда сизнинг янги ажойиб тимсолингиз, тасвирингиз пайдо бўлади.

“Тимсоларни алмаштириш” усули жуда самарали бўлиб, нафақат сизни безовталиқ, кўрқув, хавотир каби ҳислардан халос этади, балки ичингиздаги барча нарасани – фикрлашингизни, ўзингизни тутишни сиз истаётган натижа сари йўналтиради.

Бундан ташқари ўзингизга бўлган ишончсизлик ҳисси туфайли бесамар йўқотаётган энергиянгиз ўзингизга қайта бошлайди. Сиз буни аниқ ҳис қиласиз.

Ушбу бўлимдан олинадиган фойдалар:

- *тимсолларни алмаштириш усули эътиборимизни керакли тимсолга, биз кучайтирмоқчи бўлаётган сифатга йўналтиришни таъминловчи осон ва самарали усули эканлиги;*

- *бу усул ёрдамида ёқимсиз, бизни кучсизлантирадиган тимсоллардан озод бўлиш мумкинлиги.*

Аудиотренинг

Аудиотренинг дегани нима? Бу сизнинг ўз овозингизда ёзилган позитив (ижобий) таъкидлар ва янги психологик дастурлардир. Бу таъкидларни жуда кўп эшитиш натижасида улар сизнинг янги “Мен”ингизга айланади. Кўп мартаба эшитилган сўзлар моддийлашиб (хаётда ўз аксини топиб) сизнинг янги шахсингизга айланади.

Айтганча аудиотренингни самара беришига ишонишингиз шарт эмас. Ишонасизми ёки йўқ - у натижа бераверади. “Такрорлаш – ўрганишнинг онаси” деган мақолни эслайсизми? Ҳозир уни ўзгартириб, янгичасига “янги ижобий таъкидларни такрорлаш – янги шахсни, янги тақдирни яратишнинг энг тез ва осон йўли” дейиш мумкин.

Аудиотренингнинг самарадорлиги минглаб инсонларда ўз тасдиғини топган.

Дунёдаги энг кушли аудиотренингни тайёрлаш учун кўрсатмалар:

Тренинг жуда самарали таъсир кўрсатувчи қуйидаги мантралардан ташкил топган. Масалан,

бизнинг ҳолатимизда сиз ўзингизга бўлган ишончни оширмоқчисиз. Бунинг учун қуйидаги тўртта гапни ёзасиз:

Мен ҳар лаҳза сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар соат сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар кун сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар йил сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

Бу ерда **ЯНАДА** сўзи муҳим аҳамиятга эга калит сўздир. Сизнинг шуурий онгингиз юқоридаги мантраларни эшита борган сари ундаги асосий таъкидни бундай тушунади: “Мен ўзига ишонган инсонман ва ўзимга бўлган ишончим янада ошиб бормоқда”.

Бизнинг ўзимизга бўлган ишончимиз ёки ишончсизлигимиз бизнинг бошимизда, бизнинг ўйларимизда жойлашган бўлади. Бу бир дастур ва унинг ташқи муҳит билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Агар сиз ўзингизни ўзига ишонган инсонман деб ҳисобласангиз демак сиз ўзига ишонган инсонсиз. Агар сиз ўзингизни ўзига ишонмайдиган деб ҳисобласангиз, демак сиз ўзига ишонмайдиган инсонсиз. Қачонки сизнинг шуурий онгингиз “Янада” сўзини эшитса, у мантрадаги ҳар бир гап билан ўзига бўлган мутлоқ ишончга дастурланаверади.

Сиз бу мантра ёрдамида ўзингизда бошқа сифатларни ҳам шакллантиришингиз мумкин. Бунда мантранинг асосий таркиби ўзгаришсиз қолади. масалан, “ўзига ишонган” сўзини “соғлом”, “ёш”, “бахтли”, “кучли”, “омадли”, “бой” ёки сиз ўзингизда шакллантиришни хоҳлаган сифатни ифода этувчи бошқа сўз бўлиши мумкин. Масалан: сиз молиявий аҳволингизни яхшилашни, бой бўлишни истаяпсиз. У ҳолда сизда қуйидаги мантра ҳосил бўлади:

Мен ҳар лаҳза сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар соат сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар кун сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар йил сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!

Битта аудиотренинга биратўла бир неча сифатни шакллантириш ва кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Қатъий равишда кўп қиррали, ёрқин, жозибали шахсни яратинг!

Аудиотренинг - бу янги шахсингизни, янги ҳаётингизни, янги тақдирингизни шакллантирувчи ўта қувватли, ўта кучли, ўта самарали қурилмадир.

Аудиотренингни ўз “ички овоз” ингизга максимал ўхшаш, яқин бўлган овозда ёзинг. Агар сиз ички овозингизга яқин бўлмаган овозда, масалан жуда баланд ёки паст овозда, ёзсангиз у ҳолда кўп марталаб, минглаб маротабалаб эшитиладиган сеҳрли мантралар сизни бир оз зериктира бошлаши мумкин ва бир муддатдан сўнг ўз аудиотренингизни эшитгингиз келмай қолади. Аудиотренинг максимал даражада самара бериши учун аудиоёзув сизнинг ўз “ички овоз” ингизга ўхшаб, унга яқин бўлиб эшитилсин. Майли у худди сиз ўзингиз билан ўзингиз суҳбатлашадиган овозга ўхшаб тинч, сокин ва юмшоқ бўлсин.

Барча мантра ва аффирмацияларни кетма-кет

ёзиб бўлгандан сўнг кулоқчин (наушник) ларни тақинг ва қайта – қайта ўқиш функциясига қўйиб ўз аудиотренингизни иложи борича кўпроқ эшитинг.

Аудиотренингни эшитишда унинг паст – баландлигини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. аудиоёзувнинг товушини жуда секин, кулоқларингиз эшитар-эшитмас (зўрға эшитадиган) қилиб танланг.

Агар сиз ҳаммасини тўғри бажарган бўлсангиз аудиоёзувдан келаётган овоз худди “ички овоз” ингиздек бўлади ва бу буюк матнлар сизга билинар-билинемас эшитилиб туради. Аудиоплеерни ёққандан сўнг иложи борича кулоқчинда (наушник) эканлигингизни тезда эсдан чиқаринг. **Табийки аудиотренингни автомобил бошқараётган вақтда эшитиш мумкин эмас.** Бошқа вазиятларда эса, масалан метрода кетаётганингизда, кир юваётганингизда, таом тайёрлаётганда, сайр қилаётганда, ҳаттоки интелектуал, креатив характердаги мураккаб масалаларни ечаётганда ҳам бемалол эшитиш мумкин. 5 – 10 дақиқадан сўнг сиз ўзингизнинг тинч, сокин овозингизни сезмай ҳам

қўясиз. Сизнинг ақлингиз турли характердаги мураккаб масалаларни ечаётган бир пайтда, сиз ўзингизни ўзингизга бўлган супер ишончга дастурлаётган бўласиз.

Кун давомида эшитиш учун вақтингиз керагидан ҳам кўп. Хонангизни йиғиштиряпсизми – аудиотренингни тингланг. Нонушта тайёрлаяпсизми – аудиотренингни тингланг. Бекатда автобус кутяпсизми – аудиотренингни тингланг. Транспортда кетяпсизми – аудиотренингни тингланг. Спорт билан шуғулланаяпсизми – аудиотренингни тингланг. Агар эплей олсангиз компьютер дастури ёрдамида аудиотренинг устига ёқимли муסיқа қўшинг. Энди сизнинг аудиотренингиз ҳам фойдали ҳам ёқимли бўлади.

Бунда бузиш мумин бўлмаган, тақиқланган битта муҳим шарт бор: кун давомида аудиотренингни **камида тўрт соат эшитиш керак**, агар кам бўлса, аудиотренингдан ҳеч қандай маъно йўқ.

Юқорида эслатиб ўтганимиздэк аудиотренингни жуда паст овозда эшитса ҳам бўлади. Шуурий онг

учун бунинг фарқи йўқ, у барибир бу овозларни қабул қилаверади. Агар паст овозда эшитсангиз сиз буни бир оздан сўнг сезмай ҳам қоласиз ва бемалол китоб ўқишингиз, муҳим масалаларни ҳал қилишингиз, ижод билан ҳам шуғулланишингиз мумкин бўлади. Натижада кундалик ишларингизга аудиотренинг ҳеч қандай халақит бермайди.

Ушбу бўлимдан олинадиган фойдалар:

- аудиотренинг шуурий онгни дастурлашнинг энг самарали усулларида бири эканлиги;
- аудиотренингни самара беришига ишонишингиз шарт эмас. Ишонасизми ёки йўқ - у натижа бераверади.
- аудиотренингнинг самарадорлиги минглаб инсонларда ўз тасдиғини топганлиги.
- ушбу китобдаги аудиотренинг дунёдаги энг кучли аудиотренинг эканлиги;
- аудиотренинг қуйидаги тўртта асосий мантрадан ташкил топганлиги:

Мен ҳар лаҳза сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар соат сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар кун сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар йил сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

- бу мантраларнинг асосий кучи “ЯНАДА” сўзида

эканлиги;

- битта аудиотренингда биратўла бир нечта сифатни ривожлантириш мумкинлиги;

- аудиотренингни ўз “ички овоз” ингизга максимал яқин овозда ёзиш мақсадга мувофиқ эканлиги;

- кун давомида аудиотренингни **камида тўрт соат эшитиш керак**лиги, акс ҳолда аудиотренингдан ҳеч қандай наф бўлмаслиги.

- аудиотренингни тинглаш сиздан ортиқча вақт талаб қилмаслиги;

Шичко усули

Шичко усули – бу инсонни ўзини – ўзи дастурлаш усули бўлиб, (тамаки чекиш, алкоголизм, наркомания каби) зарарли одатлардан мустақил равишда халос бўлиш имконини беради.

Бу усул собиқ совет физиологи, биология фанлари номзоди Гэннадий Андреевич Шичко томонидан ишлаб чиқилган. У ўзининг илмий ишида инсоннинг шуурий онгидаги зарарли дастурлар ўрнига янги, фойдалиларини ёзишни, ўрнатишни ўрганган.

Шичко усули инсоннинг қуйидаги физиологик жиҳатларига асосланган:

- уйқу олдидан (яъни инсоннинг уйқу аралаш ҳолати) ёзган, эшитган, ўқиган сўзлари жуда катта самара беради. Бу сўзлар инсоннинг шуурий онгига тўлиқ ва мазмунли жойлашади. Агар бу сўзлар инсоннинг шуурий онгидаги мавжуд зарарли дастурларга, ҳосил бўлган ишончларига, қарашларига зид бўлса уларни сиқиб чиқаради.

Шичко усули – бу ухлашга ётишдан олдин ёзиб

бориладиган кундалик тутишдир. Бунда ўзида ижобий сифатларни шакллантирувчи мантра ва аффирмацияларни ёзиш тавсия этилади.

Маълум бўлишича уйқу олдидан ёзилган сўзлар эшитган, ўқиган ва айтилган сўзларга қараганда онг ва шуурий онгимизга 100 марта кучлироқ таъсир қилар экан.

Демак Шичко усулининг мазмуни сизга тушунарли. Бу усулдан самарали фойдаланиш учун аудиотренингда фойдаланган қуйидаги мантраларни ҳар куни уйқуга ётишдан олдин ва эрталаб уйқудан тургандан сўнг кундаликка ёзиб борамиз:

*Мен ҳар лаҳза сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!
Мен ҳар соат сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!
Мен ҳар кун сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!
Мен ҳар йил сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!*

Буни ҳар куни узлуксиз қилиш керак, шунда бу усул тезда самара беради. Иложи бўлса ёзувларни чап қўлингизда ёзинг, бунинг самараси янада кўпроқ бўлади.

Янада самарали бўлиши учун қўшимча равишда Шичко усули ёрдамида қуйидаги мантрани ҳам ёзиб боринг, камида 10 марта:

Мен ўзимга бўлган ишончни оширишга янада жиддий киришганман!

Бу мантралар сизнинг ниятингиз қатъийлигини янада ошириб боради ва ўз устингизда ишлаш янда осон бўлади.

Кундалигингиздаги ҳар бир кунлик ёзив охирида таъкид билан ўз имзоингиз ва шу кунги санани қўйиб боринг. Имзо қўйганда “ўзига ишонган (исм шарифнингиз)” деб ёзишни унутманг.

Ушбу бўлимдан олинадиган фойдалар:

- Шичко усули шуурий онгни дастурлашда қўлланиладиган энг самарали усуллардан бири эканлиги:

- бу усулни қўллашнинг асосий шарти – керакли дастурловчи сўзларни уйқуга ётишдан олдин ва уйғонган вақтда қўлда ёзиш эканлиги;

- ўзингизга бўлган ишончни кучайтириш ниятингиз жиддийлигини ошириш учун қуйидаги мантралардан фойдаланиш лозимлиги:

Мен ўзимга бўлган ишончни оширишга янада

жиддий киришганман!

- Шичко усулини қўллаш учун алоҳида кундалик тутиш мақсадга мувофиқлиги;

- ҳар кун кундаликка қуйидагиларни уйқуга ётишдан олдин ва уйғонган вақтда ёзиб бориш кераклиги:

Мен ўзимга бўлган ишончни оширишга янада жиддий киришганман!

Мен ҳар лаҳза сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар соат сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар кун сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар йил сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

- ҳар бир кунлик ёзув охирига имзо қўйиб ёнига “ўзига ишончи баланд (исми шарифингиз) ” деб ёзиб қўйиш кераклиги;

Оммавий жасоратга оид тарихий воқеалар

Ўзига бўлган ишончни, жасурликни, ботирликни, қахрамонликни ривожлантиришнинг, машқ қилдиришнинг, янада кучайтиришнинг энг самарали усулларидан бири бу тарихда бўлиб ўтган оммавий қахрамонликлар акс этган ҳикояларни, қиссаларни ўқиш, кинофильмларни кўришдир. Ҳар сафар бундай воқеаларни ўқиганимизда, фильмларни кўрганимизда қалбимиз тозаланади, руҳиятимиз кўтарилади, ўзимизга бўлган ишонч янада ошади. Бу усул жуда самарали бўлиб, жангчиларни ўлимдан, ҳеч бир хавф-хатардан кўркмайдиган қилиб тарбиялашда кенг қўлланилади.

Сўзлар жуда катта кучга эга. Сўзларнинг шуурий онгимизни дастурлаш хусусияти жуда юқори. Олимлар мутлоқ (абсолют) равишда исбот қилишганки, агар биз жасур инсонлар, қахрамонлар тўғрисидаги китобларни ўқисак, кинофильмларни томоша қилсак бизнинг ўзимизга бўлган ишончимиз даражаси доимий равишда ўсиб боради. Агар кўрқоқлар, кучсизлар, сотқинлар, омадсизлар

ҳақидаги китобларни ўқисак, филмларни кўрсак мос равишда бизнинг ўзимизга бўлган ишончимиз даражаси, кучимиз сезиларли миқдорда пасайиб боради.

Маълумотларни танлаш – ҳаётни танлаш демакдир. Шунинг учун ўқиётган китобингизга, томоша қилмоқчи бўлган кинофильмингизга жиддий эътибор қилинг. Уларни танлашдан олдин ўзингизга ўзингиз савол беринг: мен ўқимоқчи ёки кўрмоқчи бўлаётган манбаларим тарихий, технологик маълумотлардан ташқари ўзида қандай зарядга эга маълумотларни жам қилган? Ўқигандан сўнг, томоша қилгандан сўнг қалбимда нима қолади? Бундан мен янада ақлли, доно, кучли ва ўзига ишонган бўламанми?

Биз буюк бир эркинликка – танлаш эркинлигига эгамиз. Бошқа ҳеч бир жонзотга бу имкон берилмаган. Улар ҳар доим ўз инстинктларининг қулидир. Уларнинг ҳатти ҳаракатларини олдиндан 100% аниқлик билан айтиб бериш мумкин. Лекин бизда ҳар доим танлаш имкони мавжуд: ўзимизни

ривожлантириш, комилликка эриштириш ёки хароб қилиш. Бизда, ва фақат бизда танлаш имкони бор: ўзимизга бўлган ишончни, жасурликни, буюкликни машқ қилдириш ёки оломон билан бирга қолиб, улардек рангсиз ҳаёт кечириш.

Нега инсонлар ўзига бўлган паст ишончга кўникиб, омадсиз, камбағал ҳаётда яшашда давом этишади? Нафақат пул масаласида, балки руҳан камбағал, бахт ва қувонч жиҳатдан ҳам камбағал яшашда давом этишади. Бунинг жавоби оддий – одамлар ўз омадини, ўзига бўлган ишончни қандай машқ қилдиришни билишмайди. Уларга ҳар бир сифатни машқ қилдириш ёрдамида осонгина куҳайтириш мумкинлигини ҳеч ким тушунтирмаган. Бой ва муваффақиятли инсон бўлиш учун машқ қилиш керак. Керакли сифатларни машқ қилдиришнинг энг муҳим усулларида бири – қаҳрамонликларга, жасоратга, ўзига бўлган ишончга доир адабиётларни ўқишдир. Бу қаҳрамонларга бағишланган фильмларни кўришдир. Бизнинг шуурий онгимизда жасорат, мардлик ҳақидаги

тарихий воқеаларнинг кўп бўлиши жуда муҳимдир.

Бу каби воқеаларни ўқиш натижасида шуурий онгингиздаги кўрқув, ожизлик, ўзига бўлган ишончсизлик каби иллатлар ўчирилиб боради ва унинг ўрнига сизда мардлик, жасорат ва ўзига бўлган кучли ишонч шаклланиб боради.

Сизнинг ютуғингиз ва устунлигингиз ҳам мана шунда. Кучли, қувноқ, омадли, ўзига ишонган инсонлар ҳақида қанча кўп ўқисангиз, қанча кўп фильмлар томоша қилсангиз, сиз уларнинг ижобий жиҳатларини, донишмандлигини, ўзига бўлган ишончини ўзингизга сингдириб борасиз. Инсоннинг шуурий онги худди оппоқ, тоза сочиққа ўхшайди. Агар уни ботқоққа ташланса барча кир ва бадбўйликларни шимиб олади. Аммо уни мусаффо булоқ сувига ташланса ундаги ҳаётбахшликни, софликни шимиб олади.

Сиз нимани танлардингиз? Шуурий онгингизни кўрқув, ифлосликка тўла пасткаш, аблаҳ, разил кимсаларга бағишланган филмлар билан озиқлантирасизми? Ёки Аллоҳ берган танлаш

ҳуқуқингиздан фойдаланиб, қаҳрамонлар тўғрисидаги, ақлли, ғолиб ва кучли инсонлар ҳақидаги фильмларни, китобларни танлайсизми? танлов фақат сизга боғлиқ. Шуурий онгингизни, қалбингизни нима билан озиклантиришни, бойитишни фақат сиз ҳал қиласиз, танлаш ихтиёри сизники.

Ушбу бўлимдан олинадиган фойдалар

- **оммавий жасоратлар акс этган тарихий воқеаларга оид ҳикояларни, қиссаларни ўқиш, кинофильмларни кўриш ўзига бўлган ишончни кучайтиришнинг энг самарали усулларидан биридир**

- **биз инсонларда буюк бир эркинлик – танлаш эркинлигининг мавжудлиги. Бизда ҳар доим танлаш имкони мавжуд: ўзимизни ривожлантириш, комилликка эриштириш ёки хароб қилиш.**

- **инсонлар ўзига бўлган ишончни ва бошқа сифатларни машқ қилдириш орқали осонгина кухайтириш мумкинлигини билишмайди.**

Асосий қўрқувлардан озод бўлиш учун қўшимча машқлар

